Ушбу сонда:
2 ТАШАББУС СЎНМАСИН!
3 ФЕРМЕР БОЙИСА, КЎПГА НАФИ ТЕГАДИ
4 Миллий кино: ЮКСАЛИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 июл, сешанба № 113 (1127)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАМИЯТДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2001 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИДАГИ ТАРИХИЙ НУТҚИ МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШНИНГ ЎТА МУҲИМ ОМИЛИ — КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ, БУ ЙЎНАЛИШДА ИНҚИЛОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛИГА АЙЛАНДИ. КАТТА САФАРБАРЛИК КУЧИГА ЭГА БЎЛГАН ҲУЖЖАТ ЖАМИЯТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РУҲИНИ МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПТИРИШГА БАРЧАНИ САФАРБАР ЭТДИ

Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида, бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, аҳолимизнинг менталитети ва дунёқарашини ҳам ўзгартиришга эришган бўламиз.

Ўз кучи, билими, тажрибаси ва ташаббусига таяниб иш юритадиган мулкдорлик ҳолатига ўтиш — буларнинг барчаси осон кечмайдиган, лекин ўта муҳим ҳаётий жараёндир.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, келажаги мана шу жараённи қай даражада муваффақиятли амалга ошира олишимизга боғлиқ.

Кичик ва ўрта бизнес ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади.

Давлатнинг мустақиллиги — бу нафақат сиёсий, балки энг аввало, иқтисодий тутунчадир. Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт биан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи қуруқ, баландпарвоз гаплар, сохта обрў орттириш воситасига айланиб қолаверади.

Ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш — мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Сир эмаски, бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишиларидан бири — кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Мазкур муаммони ечиш орқали, яъни биз барча юртдошларимизни тадбиркорлик, ишбилармонлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасига жалб қилар эканмиз, уларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда зарур шарт-шароитни яратиб берар эканмиз, шу билан жамиятимизни сиёсий, иқтисодий ва керак бўлса, маънавий жиҳатдан янгилашнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган асосий вазифани — ўрта синф, мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этган бўламиз.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.

Кичик бизнес бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олади.

Бугунги кунда 3 миллион киши ёки мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда.

И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

Нуқтаи назар

БУНДАЙ КИШИЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш вазифаси қўйилган экан, иқтисодиётда туб сифат ва миқдор ўзгаришларига, рақобатбардош саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга эришмоғимиз лозим. Лекин шу вазифани қандай бажариш мумкин, деган савол олдимизда кўндаланг турарди. Бунга республикамиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида аниқ ва лўнда қилиб жавоб бердилар, яъни мазкур вазифани бажариш учун мамлакатимизда тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантиришимиз лозим.

Бизнинг туманимизда ҳам айни пайтда 90 га яқин хусусий, қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Биз касаба уюшма ходимлари тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзларини ҳамда оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий дам олишларини ташкил этиш борасида бир мунча ишларни амалга оширяпмиз. Қисқа қилиб айтганда халқ ичидамиз.

Мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидламоқчиманки, қаерда тадбиркорларга тегишли шароит яратиб берилса, бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Лекин акси бўлса-чи?.. Мана шундай вазиятда айрим тадбиркорлар муаммолар «гирдоби»дан чиқа олмаяптилар. Мен шу ўринда туманимиздаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигининг «Карим Назар» фермер хўжалигига бўлган муносабат ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Бу йил мазкур фермер хўжалигига «Окдарё» деб номланган уруғлик чигит беришганди. Хўжалик аъзолари эса ер шароитлари бу навга тўғри келмаслигини айтишса ҳам, шу навни зўрлаб тиқиштиришди. Охир-оқибатда чигит умуман униб чиқмади. Фермер хўжалиги аъзолари иккинчи марта мурожаат этишганда, яна шу аҳвол такрорланиб, тадбиркорлар «чув» тушдилар. Тасаввур қилинг, кейинги сафар ҳам шу навдан бошқасини олишолмади. Начора, бир амаллаб ундириб олинган чигит ривожи ҳозирда ҳам ниҳоятда суст. Фермерларга нисбатан мана шундай муносабат уларнинг косасини оқартиришга ёрдам берармиди...

Шу ўринда туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Гарчанд унинг раҳбарлари мазкур воқеадан хабардор бўлсалар-да, лекин бу воқеага муносабат билдириш у ёқда турсин ҳатто фермер хўжалиги ҳолидан хабар олишни ҳам ўзларига эп кўришмади.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, ҳар бир ташкилот тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши лозим. Зеро, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида бу борадаги долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

Хайрихон ХОЛБОЕВА,
Поп туман кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ЁШЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

«Обиджон» деҳқон фермер хўжалигимиз Олтинсой туманида тезда тилга тушгани бежиз эмас. Чунки етти нафардан иборат унинг аъзолари ишнинг кўзини биладиган миришкор деҳқонлар эди. Шу сабабли ҳар йили ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказиб шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажариб келаяпмиз. Даромадимиз ошган сайин кам таъминланган оилалар, қаровчиси йўқ ёлғизларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатмоқдамиз. Масалан, «Шакарқамиш» ширкат хўжалигидаги икки маҳаллага қувур торттириб, тоза ичимлик суви билан таъминладик. Эҳтиёжмандларга 100 минг сўмлик мурувват кўрсатилди. Кичик консерва заводини ишга тушириш ниятимиз бор. Шу эзгу ниятда россиялик ишбилармонлар билан битим туздик. Бир сўз билан айтганда, қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқчимиз. Қўшимча цехларни ишга тушириш эса яна ўнлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Р.НОРМУРОДОВ,
«Обиджон» деҳқон фермер хўжалиги раҳбари.

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

ўз қўлимизда

Тадбиркорга шароит яратилса, керакли нарсасини вақтида ололса иши юришиверади. Ҳақиқий ишбилармон баҳонани билмайди. Бирим икки бўлсин, фаолиятим кенгайсин, деб ҳаракат қилади, унинг йўлларини излайди.

Шукроналар айтиб эътироф этаман, истиқлол кўп қатори менинг ҳам мустақил иш юритишимга имкон берди. Мулк эгаси бўлармикинман, деган орзуларимни рўёбга чиқарди.

Бундан беш йил муқаддам чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этган эдим. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳар ишда бошланиши қийин бўлади, ҳали у етишмайди, ҳали бу. Бир муаммони ҳал этмасингиздан иккинчиси чиқади. Роҳатини кўраман деган машаққатига ҳам чидаши керак, деб ғайратни бўшаштирмадим. Икки-уч йилда оёққа туриб олдик. Ўтган йил охирига келиб парваришимиздаги зотдор қорамоллар бош сони 51 тага етди. Бултур 38 тонна гўшт етиштириб 31 тоннасини давлатга сотдик.

Кейин деҳқончиликни ҳам йўлга қўйдик. Ҳозир ихтиёримизда 104 гектар суғориладиган ер бор. Астойдил меҳнат қилган албатта муродига етар экан. Бўламаса ўтган йили сув танқислигидан жуда қийналдик. Шунга қарамай мўл ҳосил етиштирдик. 63 тонна ғалла йиғиштириб олиб, 37 тоннасини давлатга сотдик. Пахтадан давлат буюртмаси 30 тонна эди 31 тоннага етказдик.

Йилни 723 минг сўм соф фойда билан якунладик. Шунинг орқасидан тўйлар қиляпмиз, уйлар қуряпмиз. Ўзим келин олиб, қиз чиқардим. Катта ўғлим иморатини тикладик. «Ховособод» хўжалигидаги 4-ўрта мактабни таъмирлашга кўмаклашдик. Ўзимизнинг «Олтой» ва 2 та ТТЗ тракторимиз бор. Хўжалигимиз юмуши учун «Дамас» автомашинаси олдик. Яна бир гап. Олинган 5 миллион сўм кредитни чорвачиликни ривожлантиришга сарфлаяпмиз. Йил охиригача моллар бош сонини 250 тага етказамиз.

Шу йил 17 июлда Тошкентда бўлган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисини телевизорда кўриб, газетадан ўқиб катта таассурот олдим. Президентимиз нутқларида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг аҳамияти, омиллари ва муаммолар ҳақида батафсил тўхталганликлари барчани амалий фаолиятга чорлади.

Жамоамизда ишлаётган 29 кишини меҳнатига яраша рағбатлантиришга интиляпмиз. Ойликлар вақтида бериляпти. Ҳар ойда уларни арзон гўшт билан таъминлаяпмиз. Бу йил давлатга 70 тонна ўрнига 73 тонна дон топширдик. Ортганини фермер хўжалиги аъзоларига тарқатяпмиз. Хуллас, Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб қаршилаб, 2001 йилни бизнес режа бўйича 1100 минг сўм соф фойда билан якунлашга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Толибжон НУРАЛИЕВ,
Ховос туманидаги «Умид» хусусий чорвачилик фермаси раҳбари.

Касаба уюшма ёрдамга келди

«СИЗ ҚИСҚАРИШГА ТУШДИНГИЗ»

Мўъжазгина хонага кираверишда ёши 60 лардан ошган бир киши ўтган-кетганга савол назари билан қараб қўярди. Шу чоқ ёшгина йигит яқинлашди-да:

— Отахон, ариза билан келганга ўхшайсиз. Кимга учрашмоқчисиз, — дея сўради.

Унинг самимий муносабатидан қариянинг кўнгли ёришиб, жилмайганча:

— Барака топ, ўғлим. Ўзим чиноэликман, - фикрини ифодалади нуроний. Касаба уюшмаларига ёрдам сўраб келгандим. Ўртанча ўғлим жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишларди. Ўтган йили бахтсиз ҳодиса сабабли жароҳатланиб, ногиронликка чиқарилди. Лекин хўжалик раҳбарлари ўғлимга ишлаб чиқаришда жароҳат олганда тўланадиган бир йиллик товон пулини беришдан бош тортишяпти. Шу масалада маслаҳат олмоқчи эдим.

— Олтинчи қаватга кўтариласиз, - деди у, — республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мутахассислари албатта, ишингизни ҳал этиб беришади.

Қария йигитга миннатдорчилик билдирди.

Отахонга ўхшаш аризачилар Марказий қўмитага тез-тез келиб туришади. Барча ёзма ҳамда оғзаки мурожаат этувчиларга мутахассислар масаланинг моҳияти юзасидан кенг ва атрофлича тушунтириш берадилар.

Фуқаролар аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса сабабли етказилган зарарни ундириш, ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, айрим амалдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаат этишмоқда.

Масалан, жорий йилнинг феврал ойида фуқаро Алия Хансуварова Чироқчи тумани электр тармоқлари корхонасида электр-монтёр бўлиб ишлайдиган куёви В.Зариповга ойлик иш ҳақини ундириб бериш ҳақида ёрдам сўраганди. Жойлардаги касаба уюшма ходимларининг аралашуви билан унинг иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, фуқаролардан Марказий қўмитага ноқонуний ишдан бўшатилганликлари ҳақида ҳам шикоятлар тушмоқда. Афсуски, баъзи жойларда штатлар қисқариши баҳонасида меҳнаткашларни ноқонуний ишдан бўшатиш ҳоллари учрамоқда. Мана шу масала юзасидан фуқаро Аваз Менгноров мурожаат қилганди. Мутахассислар ушбу масалани жойида ўрганиб чиқдилар. Шикоятда келтирилган далиллар тасдиқлангач, унда кўрсатилган хато ва камчиликлар бартараф этилиб, аризачи ўз вазифасига қайта тикланди. Шу билан бирга, унга маъмурият томонидан берилмай келинаётган меҳнат таътили ҳақидаги масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодиса сабабли соғлиққа етказилган зарарни ундириб бериш ҳақида мурожаат этувчилар ҳам бор.

Масалан, Бағдод туманидаги моддий техника таъминоти очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг собиқ ишчиси Абдураҳмон Қурбоновнинг касб касаллиги натижасида оладиган пулини мутасаддилар тўламай галга солишаётгани тўғрисидаги шикояти ҳам ўрганиб чиқилди. Натижада унга 2001 йилнинг 1 мартигача тўланиши зарур бўлган маблағ ундириб берилди.

— Меҳнат аҳли шикоят ва аризаларини кўриб чиқишда касаба уюшмалари қатъиятлик кўрсатмоқдалар, — дейди тармоқ Марказий қўмитаси раиси Шамсиддин Эсонбоев. — Бу эса муаммоларнинг одилона ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этяпти.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИККА

Ташаббус сўнмасин!

МУЯССАРБОНУ ГУЗАРИ

Қўшқўпирда омилкор,ташкилотчи ва ташаббускор кишилар кўп. Улар қўллаб-қувватланса, хайрли саъй-ҳаракатларига кенг йўл берилса, улуғ ишларни амалга оширишга қодирлар. Муяссар Қувоқова ана шундай ишбилармонларнинг бири.

У умр йулдоши Қурбондурди ва қайнотаси Каримбой ота билан маслаҳатни бир ерга қўйиб «Оталар чойхонаси» қуришга жазм этди. Сўлим гўша тез орада одамлар, йўловчилар мириқиб дам оладиган, мазали таомлар тановвул қиладиган масканга айланди. Кўп ўтмай тадбиркор деҳқон хўжаликларида етиштирилган ноз-неъматларни бемалол сотиш имконини берадиган бозорча, гўшт дўкони ҳам очди.

Бир вақтлар шаҳарчага юмуш билан келган кишилар қаерда кўним топишни, бир сония бўлса-да дам олиб, рўзғор учун керакли неъматларни харид қилишни билишмасди. Муяссар бону қурган гузар кўпчилик мушкулини осон этди. Айни пайтда янги иш ўринлари яратилди. 20 нафарга яқин мен каби ёшлар муқим ишли бўлишди.

Гулбаҳор РЎЗИМАТОВА, тадбиркор.

УЙ БЕКАЛАРИ ҚУВОНЧИ

Чортоқ ва унинг яқинида жойлашган Гулшан қишлоғи уй бекалари қисқа вақт ичида пилла йигирувчи касбини ўзлаштириб, қишлоқда тадбиркор Абдувоҳид Саматов томонидан ташкил этилган корхонада ишлай бошлади. Мазкур корхонада пиллани қайта ишлаб, юқори сифатли ипак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Чортоқ ипаги» корхонасида 200 киши иш билан таъминланди. Корхона 60 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Тадбиркор А.Саматов ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

МИКРОКРЕДИТ МАДАДИ

Боғотлик Қаландар Абдуллаев қандолатчиликни йўлга қўйиб янглишмаган экан. Саккиз юз минг сўм микрокредит олгач, дастлаб маҳсулот тайёрлаш учун дастгоҳлару хом-ашё харид қилди. Илк натижалар чакки бўлмади. Ўтган йилнинг олти ойида бир миллион уч юз қирқ минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу пулнинг 564 минг сўми фойдани ташкил этди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, соф фойда салкам олти юз минг сўм бўлди. Бундан тадбиркор ҳурсанд бўлди, чунки бозорга тайёр маҳсулот чиқарди. Қўли пул кўрди. Уч нафар киши ишли бўлди.

Яқинда Нукус туманидаги Оқманғит қўрғонида эски таъмирталаб дўконлар ўрнида «Оқманғит гузари» барпо этилди. Уни омилкорлар ўз даромади ҳисобига тиклади. Ҳозир гузарда маиший хизмат кўрсатиш уйи, суратхона, сартарошхона, тикувчилик цехи, мини-маркет, иккита тижорат дўкони фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда: «Оқманғит гузари»нинг ташқи кўриниши ва чеварлари.

О.МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАР БЎЛМАСИН

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар олдида турган муаммолар ҳам лўнда кўрсатиб берилди. Фараз қилайлик, эндигина иш бошлаган тадбиркор ҳали бу соҳага қадам қўйиб улгурмасданоқ бюрократик тўсиқларга, таъмагирлик ҳолатларига дуч келди. Ўзўзидан унинг ишдан кўнгли совийди, қалбида норозилик кайфияти кучаяди.

Сирдарё вилоят Адлия бошқармаси ходими шундай воқеани ҳикоя қилди: Тажрибали мутахассис Қ.Холиқов тамоман инқирозга юз тутган чорвачилик фермасини ўз қарамоғига олди. «Чорбоқ» ҳиссадорлик жамиятини ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилди. Дастлаб яхши натижаларга эришилди. Муваффақиятдан руҳланган ҳиссадорлар жамият асосида «Холиқбой ота» хусусий чорвачилик фермасини ташкил этдилар. Омад юришиб турганида хўжалик мутасаддилари тадбиркорларнинг яхшигина бедазорини шудгорлаб ташлашди. Буни нима деб тушуниш мумкин? Фермерни қўллаб-қувватлаш, хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашиш ўрнига бахиллик қилинса...

Кези-келганда шуни ҳам айтиш лозимки, ҳали ҳаётда сохта тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Солиқ инспекцияси ходимлари режали текширувлардан бирида Тошкент шаҳар Оқтепа мавзеси ҳудудида истиқомат қилувчи Ҳ.Қосимова фаолияти билан қизиқишганида, унинг ноқонуний равишда тамаки маҳсулотларини сотаётганлиги аниқланди. Улар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Яхши томони шуки, бозорларда, хўжаликларда бундай нотўғри йўлдан бораётган сохта тадбиркорларга нисбатан муросасизлик муҳити яратилмоқда.

Фермерларга катта имконият яратилган. Бироқ, уларнинг айримлари мавжуд қонунларимиздан етарли даражада хабардор бўлмаганликлари туфайли камчиликларга йўл қўйишмоқда. Жумладан, Баҳористон туманидаги «Гулистон» фермер хўжалиги раҳбари ва бош ҳисобчиси солиқ ва бюджет тўловларини вақтида ҳисоб-китоб қилмаган. Натижада уларнинг ҳар бири жаримага тортилди.

— Ҳурматли Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 17 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқини бутун вужудим билан тингладим, - дейди сурхондарёлик тадбиркор Норқобил Эшмирзаев. — Ишончим комил, энди кичик ва ўрта бизнесга, хусусий тадбиркорликка барча ерда кенг йўл очилади, тўсиқлар олиб ташланади. Шу аснода мустақил Ўзбекистонимизда тадбиркорлик руҳи мустаҳкам қарор топади.

А.ИБОДУЛЛАЕВ.

«ОТА МИНОР» НОНЛАРИ

Тажрибали мутахассис томонидан ишга туширилган замонавий цехда 20 хилга яқин нон маҳсулотлари тайёрланмоқда

Нон ҳаётимиз учун энг зарур неъмат. Хонқа тумани раҳбарлари билан фикрлашсам, бўрсилдоқ нонлар ишлаб чиқариладиган цехлар қуриш ғоятда зарурлигини айтишди. Ўйлаб қарасам, бу ишни амалга ошириш ҳар томонлама фойдали.

Ўзимга ўхшаган ташкилотчи, сармояси бор кишиларни ёнимга олиб ҳаракатни бошлаб юбордим. Кўп ўтмай замонавий кичик корхона бунёд этилди. Германиянинг «Винклер» русумли дастгоҳлари ўрнатилиши мақсадга эришишда муҳим рол ўйнамоқда.

Ҳозирги кунда 20 хилга яқин сифатли нонлар ишлаб чиқариб, 30 мингга яқин аҳоли эҳтиёжини қондирмоқдамиз. Бир кунда ўрта ҳисобда 300 минг сўмлик маҳсулот эл дастурхонига тортиқ этилаяпти. Раъно Алиева, Аҳмад Мустаев, Ирода Алиева сингари ўз ишининг усталари Хоразм шўраги, патир нон, Дарницкий нонларини тайёрлашда ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда. Қувончлиси шуки, маҳсулотларимизга бўлган талаб ортганлиги боис, иш 3 сменада ташкил этилди.

Аҳмаджон ЎРИНОВ, Хонқа туманидаги хусусий корхона раҳбари.

«МАРВАРИД»

хусусий меҳмонхонасига қўниб ўтинг

Ҳазорасплиқлар олдида савдо-сотиқ борасида унча-мунчи киши ип эшолмаса керак. Боиси, бу масканда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган умри азизлар савдогарчиликнинг нонини еб келишган. Ўрта Осиёнинг турли бурчакларидан келган омилкорлар шу ерга яқин бозорда савдо-сотиқ қилишади. Нархлар бошқа ердагига нисбатан анча арзон. Олувчи учун ҳам, сотувчи учун ҳам барча қулайлик яратилган. Фақат бир муаммо — меҳмонхона йўқлиги узоқдан келган кишиларга қийинчилик туғдирарди. Буни сезган икки тадбиркор — Эркинбой Юсупов ва Аҳмаджон Рўзиматовлар енг шимариб ишга киришдилар. Шахсий жамғармалари ҳисобидан қисқа вақт ичида энг ардоқли байрамимиз «Наврўз» тантаналари нишонланаётган кезда «Марварид» деб номланган 3 қаватли ажойиб меҳмонхонани ишга туширдилар.

50 ўринга мўлжалланган муҳташам бино замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Боз устига дунёнинг истаган жойига телефон орқали боғланиш мумкин. Эътиборлиси шуки, юк учун омборхона, автомобилларни сақлаш майдончаси ҳам мавжуд. Шинам ошхонада сифатли таомлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда икки омилкор ажойиб боғ ташкил этиш ҳаракатига тушишган.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Муаммо ечимини кутади

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ҲАМИША ЭҲТИЁЖ БОР

Самарқанд вилоятида ҳам янги-янги қўшма корхоналар, фирмалар, кичик корхоналар, якка тадбиркорлар, мулкчиликнинг турли шакллаларига асосланган тузилмалар кўпаймоқда.

Қайси соҳада, қандай корхонада ишлашидан қатъий назар меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояланиши керак. Ана шу эҳтиёж кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма ташкилотини вужудга келтирди. Вилоят тармоқ қўмитасининг саъй-ҳаракати, ташкилотчилиги туфайли ўтган йиллар мобайнида жами 1063 та корхонада касаба уюшма ташкилотлари тузилди. Аъзолар сони 11 минг нафардан ошиб кетди. Тадбиркорлик соҳаси меҳнаткашларини касаба уюшмаларига жалб қилиш ишлари Нарпай, Тойлоқ, Жомбой туманларида, Каттақўрғон шаҳрида ибратли олиб борилаяпти.

Йил сайин жамоа шартномасида меҳнаткашлар учун белгиланаётган имтиёзлар самараси яққолроқ сезилмоқда. Меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари воситасида ташкил этиш нафақат меҳнаткашлар учун, балки иш берувчига ҳам бир қанча қулайликлар туғдиради. Шу боис, «Самжинтекс», «Силк-Стар» қўшма корхоналарида, Самарқанд қурилиш ашёлари комбинати, «Нарзия» концерни, «Гўзал», «Духоба», «Тамаки» хусусий фирмаларида жамоа шартномаларини мукаммал тузишга эришилган. Бунга асосан мазкур корхоналарда ходимлар учун қўшимча таътиллар, имтиёзли дам олиш, қисқартирилган иш вақти каби имтиёзлар жорий қилинган. Бундан минглаб ишчилар баҳраманд бўлишмоқда. Шу туфайли ўтган йили тармоқ меҳнаткашларининг 134, бу йил эса 200 нафар фарзанди оромгоҳда дам олдирилаяпти. Меҳнаткашларга санаторийларда соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ўтган йилгига нисбатан 35 та йўлланма кўп ажратилади. Шу жумладан 2000 йилда вилоятда энг яхши тадбиркор, ҳунарманд, фермер хўжалигига кўрсатилган якуни бўйича биттадан текин йўлланма берилди.

Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқида алоҳида таъкидланганидек, ички бозорнинг истеъмол моллари билан тўлдирилиши, аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, фуқароларни иш билан таъминлаш ва уларнинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқдир.

Асосий мақсадимиз ҳам шу. Бизнингча, бунинг учун барча тарбиркорларни касаба уюшма ташкилоти атрофига бирлаштириш, тегишли шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини мустаҳкам ҳимояга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина тадбиркорлик ҳаракати кўламлари янада кенгайиши ва кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотлари тармоқдаги эҳтиёжманд кишиларга турли ёрдамлар уюштиришда ташаббускор бўлмоқда. Кўплаб оммавий-маданий, спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Бу каби ишлар касаба уюшма ташкилотларининг мавқеини янада мустаҳкамламоқда.

Лекин ҳали кўзланган мақсадга тўлиқ эриша олганимиз йўқ. Ишнинг энг мураккаб жиҳати корхоналарнинг тарқоқлиги, жамоа аъзолари сонининг камлигидир. Энг ажабланарлиси, ҳозир соғлом бўлиб самарали меҳнат қилаётган, ҳар ҳолда фароғатда яшаётган кишилар ўзларини ижтимоий ҳимояга муҳтож эмас деб ҳисобламоқдалар. Ҳолбуки, бу мутлақо нотўғри фикрдир. Шундай тушунча сабабли бир қатор тадбиркорлик тизимларида касаба уюшмалари ишини йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тузиш қийин кечмоқда. Бу ҳол, айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликларида яққол кўринади. Хусусан, Ургут, Пастдарғом,Иштихон, Булунғур, Пахтачи туманларида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналари кўп. Аммо уларда ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни ташкил қилиш масаласи очиқлигича қолмоқда. Шуни эътиборга олиб вилоят тармоқ қўмитаси вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда вилоят тадбиркорлар палатаси билан жамоа келишувини имзолади. Бунда меҳнаткашларнинг энг муҳим манфаатларига даҳлдор масалалари юзасидан икки томонлама мажбуриятлар қабул қилинди.

Янги тармоқда ишни муайян изга солиб олиш осон эмас. Тармоқ касаба уюшма фаоллари жойларда кўпроқ бўлишиб, меҳнаткашларга уларнинг ҳуқуқларини, жамоа шартномаси асосида ишлашнинг, касаба уюшмаларига бирлашишнинг аҳамиятини батафсил ҳаётий мисоллар асосида тушунтиришаяпти. Натижа ёмон эмас. Биз учун энг муҳими — меҳнаткашлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаб олишларидир.

Г.ҚУДРАТОВА, Самарқанд вилояти тадбиркорлар палатаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Публицист ўйлари

«ТАДБИРКОР»

«Адолат-Ҳимоя» хусусий адвокатлик фирмасига кириб келган отахоннинг ранги-рўйи бир аҳвол эди.

— Мени чув тушириб кетишди, ука, — дея зорланди у адвокат Отабой Раҳмоновга. — Ёрдамингиз керак.

— Ўзингизни босинг-да, воқеани бир бошдан гапириб беринг, — деди адвокат унга бир пиёла чой узатаркан.

Суҳбат давомида ҳамма нарса ойдинлашди. Отахоннинг ҳеч кими йўқ бўлиб, ўзи Қўйлиқдаги янги Бектемир бозорида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб юраркан. «Охиратим учун» деб 300 минг сўмга яқин пул тўплаган экан. Бундан бир ой муқаддам унинг ёнига шу бозорда олди-сотди қилиб юрадиган иккита барзанги келибди.

— Отахон, сизда анчамунча пул бор деб эшитдик, — гап ташлабди улардан бири, — у чанг босиб ётгандан кўра, келинг, яхшиси, ишлатайлик. Биз ҳам сизга ўхшаб тадбиркормиз. Сиз пулни бизга беринг, ойига ўн фоиздан тўлаб турамиз. Ой сайин ўттиз минг сўмдан пул осмондан тушиб турса, сизга яна нима керак?

Мўйсафид майли дея пулларини санаб берибди. Лекин бир эмас, 3 ой ўтса ҳамки, на пулдан, на фоиздан дарак бор эмиш. Оқсоқол яқинда ҳалиги иккoвини излаб топиб, пулини талаб қилибди. Улар эса тиржайишиб «Сиздан пул олганимиз йўқ» дер эмишлар...

Адвокатнинг саъй-ҳаракатлари туфайли отахоннинг аризаси билан ҳозир Бектемир туман ички ишлар бўлими ходимлари шуғулланаётир. Иш муваффақиятли якунланишига, пул эгасига қайтарилишига, сохта тадбиркорлар жазоланишига шубҳамиз йўқ. Лекин масаланинг бошқа бир ўйлантирадиган жиҳатлари бор. Бу мўйсафид мўътабар шу ёшида, нега маккорларнинг тузоғига илинди?

— Мени шайтон йўлдан урди, — дермиш отахон уф тортиб, — бу судхўрларнинг уйига ўт тушсин!

Келинг, энди бироз мушоҳада юритамиз. Ҳар бир замоннинг ўз иллати ҳам бўлади. Инсоният тарихининг бирон бир муайян давр тизими бундан мустасно эмас.

Рўй-рост эътироф этиш керак: айни кунларда халқимиз орасида шундай кишилар пайдо бўлдики, улар ҳеч қандай фойдали меҳнат билан машғул бўлмайдилар. Улар ҳам ўзларини «тадбиркор» ҳисоблайдилар. Бир амаллаб анча-мунча даромад қилиб оладиларда, уни «айлантириш», яъни бошқаларга қарз бериш эвазига ўз тиркчилигини ўтказадилар. Бундайларнинг азалий номи эса оддийгина — «судхўр»!

Хўш, судхўр ўзи ким? Келинг, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўз югуртирайлик. «Судхўр, — дейилади унда, — пул қарз бериб, фоизи фойдаси ҳисобига бойлик орттирувчи шахс». Сад-

ЭРИШИШНИНГ ЎТА МУҲИМ ОМИЛИ

ФЕРМЕР БОЙИСА, КЎПГА НАФИ ТЕГАДИ

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

Бундан ўн йил муқаддам Денов туманида Аҳмад Нарзуллаев оила аъзолари билан маслаҳатлашиб фермер хўжалиги тузган, уни яхши ният билан «Лочин» дея номлаган эди. Эзгу мақсадлар йўлида 25 гектарли ерда деҳқончилик қилиш, 30 бош қорамолни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилди, 15 нафар ишчи унга елкадош бўлди. Меҳнат ўз самарасини бера бошлади. Белгиланган пахта, ғалла ва гўшт етиштириш режалари ортиғи билан бажарилганлиги туфайли раҳбарлар ҳам уларга қайиша бошлашди. Хўжаликка яна 25 гектар қўшимча ер ажратилди. Чорвага ҳам барака кириб, қорамоллар бош сони 1100 тага етказилди, ишловчилар сони ҳам ошди.

Фермер хўжалигида ижтимоий ҳимоя биринчи галдаги вазифага айланганлиги боис ишлар янада юришиб кетди. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Нурмамат Тошбоев жамоа шартномаси тузишга эришди ва бажарилишини доимий назорат қилиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир ишчи ўртача 15 минг сўм ойлик маош ва буғдой, сут, гўшт, гуруч каби маҳсулотлар билан таъминланаяпти. Бундан ташқари маросим ўтказаётган ҳар бир ишчига бир бош мол, 2 қоп буғдой ва 50 килограмм гуруч хўжалик ҳисобидан ёрдам сифатида берилмоқда. Ишловчилар ҳар йили меҳнат таътилини вилоят миқёсидаги «Ҳазорбоғ», «Сурхон», Абу Али ибн Сино номли сиҳатгоҳларда ўтказмоқда. Фермаларда, ишлаб чиқариш цехлари ва дала шийпонларида дам олиш хоналари ташкил этилган. Хоналарда радио, телевизор, газета-журналлар, мусиқа асбоблари, шахмат-шашка кабилар муҳайё этилган.

Фермер хўжалиги олинган даромадни янги иш ўринлари очишга сарфламоқда. Чунончи, колбаса, макарон, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилиши натижасида ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди.

— Фермер хўжалигимиз анъанавий ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этмоқда, — дейди ишчи Санобар Қосимова. — Бултурги республика танловида фахрли 3-ўринни ҳамда «Энг саховатли фермер» номинацияси ғолиблигини қўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо соврин билан тақдирландик.

«Лочин» фермер хўжалиги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга саховат кўрсатишда ҳам ўрнак бўларли. Яқинда тумандаги «Орол» маҳалласи ёшларига 320 ўринли замонавий мактаб қуриб берилди. Бунга 12 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Икки нафар талаба Тошкент олий билимгоҳларида хўжалик ҳисобидан ўқитилаётир. Ногиронлар Холмурод Одилов ва Жанғил Раҳмоноваларга 100 минг сўмлик аравачалар олиб берилди. Шунингдек, 44 та кам таъминланган оилага баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида «Хитоян» маҳалласи ёшлари учун 17 миллион сўмлик замонавий спорт мажмуаси қуриб битказилди. Миллий кураш, бокс, таэквандо, енгил атлетика майдончалари мавжуд бўлган ушбу спорт мажмуи, Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига совға сифатида тортиқ этилди.

Қобилжон ШОКИРОВ,
Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Қадимдан ота-боболаримиз жуда бўлмаганда битта ҳунар эгаси бўлишган. Уларнинг меҳнати маҳсули бўлган турли буюмлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, кийим-кечак ва ҳоказолар бозорларни тўлдирган.

БИЗНИНГ ЧИННИ ЦЕХ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ҳунармандчилик фаолиятига кенг имкониятлар очиб берилди. Мен ҳам яхши ниятлар билан ер олиб, чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи цех қурдим, зарур ускуналар харид қилдим. Астасекин бу атрофда ўхшаши бўлмаган чинни буюмлар кичик корхонаси қад ростлади. Мақсадим — умумий овқатланиш корхоналари, тиббиёт муассасалари, ўқув-тарбия масканларини мазкур буюмга бўлган эҳтиёжини қондиришга баҳоли қудрат кўмаклашишдан иборат эди.

Таклифимни ерда қолдирмай Қувасойдан созловчи ва усталар келишиб, корхонамизни ишга тушириб беришди. Бир неча киши Қувасойга бориб, амалий ишда тажриба орттириб келди.

Ён-атрофлардан 30 нафар ёш келиб, енг шимариб ишга киришди. Асосий хомашё шартнома асосида Ангрендан ташиб келинади. Ҳар куни 350-400 дона пиёла, чойнак, шунча миқдорда коса ва тарелкалар ишлаб чиқармоқдамиз. Албатта, бозорларда сотилаётган бежирим, нафис Хитой чиннилари билан ҳозирча рақобатлаша олмаймиз. Лекин ўз харидорларимиз тобора кўпайиб бораётир.

Ҳозирги кунда меҳнат қилаётган чиннисозларнинг ҳар бири 15 минг сўмгача маош олишяпти. Тушлик овқат пули корхона ҳисобидан қопланмоқда. Халқимизнинг ардоқли байрамларида чиройли дастурхон тузаймиз. Сўлим жойларда дам олиш масканларимиз бор.

Баъзан 30 хонадоннинг моддий таъминоти яхшиланишига ҳисса қўшганимдан фахрланиб кетаман ва иш ўринларини янада кенгайтириш ҳақида бош қотираман. Бунинг ҳам йўлини топдик. Кунига бир ярим тонна ундан нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехимиз ишга тушса, яна 15 киши ишли бўлади. Лекин бу масалада елиб-югуришларимиздан натижа чиқмаяпти. Ун олишимиз учун фонд йўқ экан.

Ажабланмай бўладими, ахир. Ишлайман, фаолиятимни янада кенгайтираман, моддий неъмат яратаман, деб хайрли ишларга қўл урсагу, амалда бизни қўллайдиганларни топиш қийин бўлса...

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам юқоридагидек, сансалорликлар, бюрократик тўсиқларга қарши аёвсиз курашиш зарурлиги уқтирилди. Бу айни бизнинг дилимиздаги гаплар. Ўйлаймизки, бу борада туманимизнинг мутасадди раҳбарлари албатта бизга ёрдам қўлини чўзишади.

Муҳсим ПЎЛАТОВ,
Пскент туманидаги «Фарҳод» хусусий корхонаси раҳбари.

ҚАРШИНИНГ УДДАБУРОН АЁЛЛАРИ

Вилоятнинг аҳоли зич жойлашган Қарши туманида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари жиддий эътиборда.

Туманда 165 минг нафардан ортиқ аҳоли бўлиб, уларнинг 85 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шулардан 39 минг нафари фарзанд кўриш ёшидаги аёллардир. Туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, жойлардаги касаба уюшмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Мустақиллик даврида оилаларимизни ҳуқуқий ҳимоя қилувчи ва кафолатловчи кўплаб муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Туманда «Оналар ва болалар йили» муносабати билан махсус дастур ишлаб чиқилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлими ҳузурида ёшларни оила қуришга тайёрлаш бўйича доимий курслар ишлаб турибди. Оила ва никоҳ марказига келган келин-куёвлар мустақил ҳаёт қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтказилади, улар билан оилада эр-хотиннинг ҳуқуқ, бурчлари, фарзанд тарбиясида ота-онанинг мажбуриятлари ва бошқа мавзуларда мулоқотлар уюштирилади.

Ҳозирги пайтга келиб 5158 ёш оила назоратга олинган. Аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида 6 та қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси ишга туширилди.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Болалар», «Соғлом авлод» жамғармалари моддий ва маънавий кўмаклашмоқдалар.

«Она ва бола» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш билан мактабгача тарбия муассасалари жиддий шуғулланмоқда. Бу борада Бешкент шаҳридаги Р.Раҳимова мудиралик қилаётган «Қувонч» болалар боғча-яслисининг фаолияти айниқса ибратли. 130 нафар бола тарбияланаётган бу масканда ҳамма қулайликлар яратилган. Мана, икки йилдирки таянч боғча тарбияланувчиларига инглиз тили ўргатилаяпти. Машғулотларни тажрибали муаллима Д.Самадова олиб бормоқда. Боғчада «Оналар мактаби» ишлаб турибди.

Шахсий ибрат кучи

Аёллардан 1300 нафари уй бекаси. Лекин улар тадбиркорлик билан ҳам шуғулланмоқда. Бугунги кунга келиб тадбиркорлар сони 160 нафарга етди. 8 нафар аёлга банклар орқали кредит берилди. 28 нафари тикувчилик ва зардўзлик касбларини ўрганмоқда. 18 нафари фермер, 30 нафари деҳқон хўжаликларида ишлаяпти.

«Хумор» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳ.Бекмуродова, «Сифат» фермер хўжалиги раҳбари О.Раҳимова, «Камалак» фермер хўжалиги раиси М.Темирова сингари тадбиркорлар иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ташкилотчи ва ташаббускор бўлмоқдалар.

Туманда тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш масаласи ўрганиб чиқилиб, аниқ режалар белгилаб олинди. Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқида тадбиркорликнинг республикамиз иқтисодий равнақидаги ўрнига жуда юқори баҳо берилди. Ҳақиқатан ҳам айниқса, қишлоқ жойларида ишсизлик муаммосини ҳал этиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Табиийки, уларга ечим топишда кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш, хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, уй бекаларини ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш мақсадида корхона, ташкилот, муассаса маъмуриятлари билан қўшимча иш ўринлари очиш хусусида мулоқотлар олиб боряпмиз. Бундан ташқари, ҳудудимизда касб-ҳунарли хотин-қизлар талайгина. Ҳадемай, улардан ўн нафардан зиёди хусусий тадбиркорлик фаолиятларини бошлаб юборадилар. Бу — қарийб 60 нафар аёл ишли бўлди, деган гапдир.

Туманда ёшлар билан тез-тез учрашиб, уларга ўзларининг ҳаёт тажрибалари, тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида қандай рол ўйнаётгани ҳақида сўзлаб бераётган фаол хотин-қизлар кўп. «Чўли ота» қишлоқ кооператив ширкат хўжалиги раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари М.Раҳматова, Бешкент пахта тозалаш заводи хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Қурбонова, шифокорлардан Ҳ.Ҳақбердиева, Д.Жўраева, Амир Темур номли ўрта мактаб ўқитувчиси, республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси аъзоси Г. Омонова кабилар шулар жумласидандир.

Дилором АЗИЗОВА,
Қарши тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ХОРИЖ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

қилмаган корхонанинг келажаги йўқ

Яхши эсласангиз, бир вақтлар хром терисини қайта ишлаб, ундан ажойиб маҳсулотлар тайёрлашган. Бунда биринчидан, мол тоза, бежирим, пишиқ бўлишидан ташқари соғлиқ учун ғоятда фойдали бўлган. Турғунлик йилларида косиблар, ҳунармандлар фаолиятларини деярли тўхтатишга мажбур бўлишган. Мустақиллик шарофати ила қўқонлик Мўйдинхон ака хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасини очиб пойафзал, телпак ва бошқа кийим-кечак тайёрлашни йўлга қўйди. Вақт ўтиши билан «Обидхон» фирмасининг цехлари кенгайиб, ишловчилар сони юздан ошди. Тадбиркор М.Маҳмудовнинг таъкидлашича, келажакда ўта сифатли маҳсулотларни асосан четга сотиб, иложи борича кўпроқ хориж сармоясини жалб қилмоқчи.

Саъй-ҳаракат зое кетмаяпти. Германия, АҚШ каби давлатлар билан иқтисодий алоқалар ривожланмоқда.

— Фирмамиз ходимлари ҳурматли Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги нутқини зўр қизиқиш, манфаатдорлик ила ўқиб ўрганмоқдалар дейди Мўйдинхон ака. — Бир нарса мени жуда ҳурсанд қилди: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари, унинг юридик ва иқтисодий шарт-шароитлари тушунарли тарзда баён этилган ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларига эҳтиёж сезади. Лекин ана шундай қўлланмалар, маълумотномалар кенг тарқатилмаганлиги туфайли қанчадан-қанча омилкор кишилар қийинчиликларга дуч келишмоқда. Ўйлайманки, долзарб масалалар Вазирлар маҳкамаси йиғилишида кўндаланг қўйилганидан сўнг албатта ўз ечимини топади. Тажрибали тадбиркор сифатида кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини тезроқ соддалаштириш керак, деган фикрдаман.

Фарида БАЙТЕРЯКОВА,
етакчи мутахассис.

Андижон туманидаги «Андижон саховати» кўп тармоқли хусусий фирмасида айни пайтда 20 хилга яқин консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Унинг асосий қисми Россия Федерацияси буюртмачиларига жўнатиляпти. Мазкур фирма Италиянинг «Фенко» компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида шартнома тузди. Қўшма корхона ишга туширилгач 200 нафар киши иш билан таъминланади.

Суратларда: фирмада қизғин меҳнат жараёни.
М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Тараққиётга тўғаноқ

«ЎЗ ҲАҚИМИЗНИ ТАЛАБ ҚИЛСАК – АЙБДОРМИЗМИ?»

«Биз мулкдорлар синфини шакллантирар эканмиз, ўз навбатида, бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, аҳолимизнинг менталитети ва дунёқарашини ҳам ўзгартиришга эришган бўламиз»

Ҳурматли Президентимизнинг бу сўзлари барчамизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундади. Ҳаётимизни яхшилаш, ҳар бир оила моддий манфаатдорлигини таъминлашда тадбиркорлик муҳим рол ўйнашини энди ҳамма чуқур ҳис қилмоқда. Бироқ муҳим ишдаги айрим ғирромликлар тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда.

...Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Туркистон» ширкатлар уюшмаси ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олиб, режаларни ортиғи билан адо этиб келмоқда. Жорий йилда ҳам ғалла режаси бажарилиб, шартномадагидан ташқариси меҳнаткашларга тарқатиб берилди. Бу деҳқонларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир кўринишидир. Аммо, шу уюшмага қарашли «Шодмон ота» фермер хўжалиги раҳбари Суюн Қудратов ҳам шартномадан ташқари бўлган ғаллани ҳовлисига тушириб, меҳнаткашларнинг келишилган ҳақини беришда ғирромлик қиляпти. Биз фермер хўжалиги ишчилари билан суҳбатлашамиз.

— Мен Зархол Юсупова 2 йилдан буён «Шодмон ота» фермер хўжалигида ишлаб келаман. Раҳбаримиз С.Қудратов ўтган йили ўзимизга тегишли буғдойни ўз вақтида берган эди. Бу йил эса мен болаларим билан меҳнат қилган 2 гектар ерга 800 килограмм ўрнига 400 килограмм буғдой берди, холос. Қолган 400 килограммини ана бераман, мана бераман, деб алдаб келаяпти. Ҳар куни сарсон бўлиб уйига борамиз. Ахир ёзнинг жазирамаларида қоратерга ботиб меҳнат қилганмиз. Буғдой эса ишлаганлар бир четда қолиб бегоналарга сотиб юборилмоқда. Икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ногирон. Мен ҳақимни сўраяпман, ошиқчаси менга керакмас.

Мазкур фермер хўжалигидан ўзига тегишли ғаллани ундиролмай қоп қўлтиқлаб юрган яна 3-4 киши, андиша қилиб «раис инсофга келиб қолар», деган умидда исмларини айтишга ботинмадилар...

О.САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

НИҚОБИ ОСТИДА

риддин Айнийнинг машҳур «Қуллар» романида шундай сатрларга дуч келамиз: «Унинг ёмон ишлари ҳам кўп эди... Судхўрликда жуда инсофсизлик қиларди. Юз сўмни бир ойда бир юз йигирма сўмга фойдага қўярди».

Ҳозирги замон судхўрлари, албатта, аввалги замондаги ҳамкасбларидан тубдан фарқ қиладилар.

Ҳозир шаҳар ва туман фуқаролик судларига келиб тушаётган аризаларнинг анчагинаси ана ўша, бировларга пул бериб, қарзини ундиролмаётган кимсалардир. Лекин масаланинг моҳияти фоизга бориб тақалаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Судхўрлик, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, гуноҳи азимдир. Табаррук динимиз ҳам уни қоралайди. Лекин бошқа бир нарса ҳақида ҳам айтиб ўтмоқ жоиз: судхўрлик гоҳо-гоҳо оғир оқибатларга, жиноятларга олиб келмоқда. Бу ўринда бир мисол келтирамиз. Яқинда Юнусобод туманининг гавжум даҳаларидан бирида 50 ёшли она ва унинг 18 ёшли қизини пичоқлаб кетишди. Бу фалокатнинг туб илдизи ҳақида турли хил тахминлар айтилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси бир нарсага бориб тақалаяпти: «Марҳума аёл кейинги пайтда катта миқдорда фоизга қарз беришни йўлга қўйиб олганди. Балки, у кимларгадир берган қарзи ёки фоизини ҳадеб қистайверган бўлса...»

«Халолликка нима етсин!» деган экан буюклардан бири. Биз ҳам мақоламиз сўнггида ана шу ҳикматни яна бир бора такрорламоқчимиз. Мен, масалан, судхўрларни асалариларнинг ишёқмас пошшоларига ўхшатаман, улар ҳам куни бўйи ҳеч иш қилмай, фақат оғзини катта очиб, бирор нарса келиб тушишини кутиб ётадилар, холос. Бу ўринда халқимизнинг яна бир ҳикматли сўзи ёдга тушади. «Харомдан ҳазар қилинг» дейилади унда...«Судхўрдан ҳам» деб қўшиб қўйгимиз келади...

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида таъкидланганидек, ҳақиқий тадбиркор эл таҳсинига лойиқдир. Уларни ҳар қанча ҳурмат қилсанг оз. Лекин тадбиркор ниқоби остидаги «фоизчи»лардан Худонинг ўзи асрасин.

Қ. СОБИРОВ.

Сарҳисоб

МИЛЛИЙ КИНО: ЮКСАЛИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Кези келганда мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлашни истардик: ҳа, мустақиллик даврида кино соҳасидаги сиёсат тўғри олиб борилгани сабабли катта имкониятларга эга бўлган кино санъати ўз ривожида давом этиб Европа андозалари даражасидаги маҳсулотини бунёд этишга қодир эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга миллий кинонинг бугунги асарлари миқдор жиҳатидан кескин равишда ўсиб, сифати узлуксиз яхшиланиб боришига катта эҳтиёж, зарурат сезилди. Чунки, Жанубий Америка ва бошқа хорижий мамлакатларда олинган бир қолипдаги сериалларнинг кичик ва катта экранларни банд этиб бориши кинофондга таъсир этиш ҳавфини туғдирмоқда. Бу ҳол барчанинг фикрини бир хил — паст савияда бўлишига олиб келиши мумкин. Жангари тасмалар, ишқ можаролари асос қилиб олинган узундан-узун видеофилмлар ўрнини юртимизда яратилган кўп сериялик «Ўтган кунлар», бобурийлар ҳақидаги кино-телеҳикоялар, шунингдек «Фарҳод ва Ширин»лар, «Алпомиш»лар билан бирга ҳозирги улкан воқеаларга, замондошимиз ҳаётида, онгида содир бўлаётган ўзгаришларга бағишланган йирик бадиий кино-телеасарлар эгаллаши лозим.

Эндиликда биз ўз филмларимизни чет элда кўпроқ кўрсатиш йўлларини излашимиз керак бўлиб қолди. Кинода импорт эмас, экспорт устун туришини таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилиши учун фурсат келди. Бу йўлда илк қадамлар қўйилаётгани, жадидлар ҳаракатига, унинг раҳномоларига бағишланган киносериалнинг биринчи тўрт боби анча бақувват адабий замин асосида суратга олина бошлагани ҳамда Баҳо Содиқов бошчилигидаги катта ижодий гуруҳга Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қорини ўйнай оладиган етук актёрлар киритилганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Тарихий сиймолар гавдаланадиган мазкур асарнинг мавзуси, қаҳрамонлари, ҳаётий воқеалари, фожиали ечими кенг жамоатчиликни қизиқтириши табиий.

Эстетик таъсирнинг куч-қудратини ёдда тутсак, санъат, жумладан, кинонинг вазифасини математика ҳам, кибернетика ҳам, инсоният фаолиятининг ҳеч бир бошқа соҳаси бажара олмаслигини қайд этамиз. Бинобарин, кино жараёнининг жўш уриб туриши, муҳими, олий мақсадга хизмат қилишини назарда тутиб талайгина ижодий, иқтисодий, ташкилий, техникага, халқаро муносабатларга оид масалаларни ҳал қилиш режасини тузиш зарур кўринади. Бизга қолса, зудлик билан бажариш керак бўлган ишларнинг йиллик режаси, эртаиндин ҳал этилиши кўзда тутиладиган ишларнинг уч-тўрт йиллик режаси. Ниҳоят истиқбол билан боғлиқ бўлган муаммолар билан шуғулланишнинг етти- ўн йиллик режаси тузилиши максадга мувофиқ бўларди.

Аввало филмларимизнинг миқдори, сифати ва томошабинга етиб бориши масалалари билан шуғулланадиган бўлсак, ижодий кадрлар, кино техника мутахассислари ҳамда студияларнинг (павильон, лаборатория, аппаратура, иқтисодий аҳволи) имкониятлари билан боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келамиз. Шунда аввало кино ўқув, ҳозирча чет элда қисқа муддатда экран санъати асосларини ўрганадиган ёшларни тайёрлаш масаласи, киностудия кинотасмаларини қайта ишлай оладиган, замонавий техника билан қуролланган лаборатория барпо этиш муаммоси билан шуғулланиш зурурлиги маълум бўлади. Бу табиий бир ҳол. Замонавий филмни янги замон кишилари — ёшлар яратиши керак. Демак, уларга билим бериш, уларни юксак истиқлол ғояси билан қуроллантириш имкониятларини излаш керак... Кинонинг эстетикаси техникага боғлиқлиги туфайли кино саноатимизнинг куч-қудрати ҳақида ўйлаймиз. Уни мукаммаллаштиришга, янги ускуналар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағдан ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини излаймиз.

Шундай мулоҳазалардан кейин яна ижодий масалаларга, фаолият кўрсатаётган кино арбоблари тажрибасидан, ўрта ёшдаги ижодкорлар имкониятларидан фойдаланиш муаммоларига қайтамиз. Зеро, Абдулла Қодирийнинг асарини қайта экранлаштираётганлар ҳам (М.Абзалов, Ҳ.Файзиев), Жалолиддин Мангуберди сиймосининг экрандаги талқини ҳақида чуқур фикр юритаётган режиссёр ҳам (Ш.Аббосов, Э.Самандаров билан ҳамкорликда, мустақиллик йиллари биринчи ўзбек ҳинд филми «Ишқ ўти» устида қизғин иш олиб бораётганлар ҳам (И.Эргашев бошчилигидаги катта гуруҳ) ўша авлодга мансуб. Миллий кино тараққиётининг янги палласида улар қаҳрамон танлаш ва шаклан янги, мазмунан чуқур асар яратишларидан томошабингина эмас, миллий кинематография, маданиятимиз фойда кўради. Шу боис улар масъулиятни сезган ҳолда ижод этишлари, бадиий бисотларини янгилаб, бойитиб давримизга муносиб асарлар яратишларидан миллионлар умиди бор.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

БОҒДА КОНЦЕРТ ЗАЛИ

Ҳар гал Китоб шаҳрига борганимда маданият ва истироҳат боғига кириб, дам оламан. Йўлка четларидаги анвойи гуллар кўзни қамаштиради. Сайроқи қушларнинг ёқимли овози оромгоҳ ўртасидаги фавворадан томчилаб оқаётган сув ҳузурбахш салқинлик бағишлайди.

Боғ туман маданият бўлимидан ажралиб чиққач, ободонлаштириш ишларига янада катта эътибор берила бошлаганди.

Лекин у ҳамиша туман ҳокимлигининг диққат-эътиборида. Хусусан, атроф-муҳитни ободонлаштириш, қурилиш ишларини жадаллаштириш барчанинг қалб даъватига айланган. Ҳар йили баҳорда тумандаги хўжалик ва ташкилотларга боғнинг ҳудудлари бўлиб берилади. Бунинг натижаси сифатида чиройли дарвоза, фавворалар, арғимчоқлар қурилгани, теннис корти, биллиард хона ишга туширилганини мисолга келтириш мумкин. Шулар қаторида кексалар учун махсус дам олиш жойи ҳам ташкил этилган. Кейинги икки йил давомида боғ майдони 5 гектарга етказилди. 300 ўринли концерт зали, 800 ўринли томошагоҳ таъмирланди. Республикамиз вилоятлари ва чет эллардан ташриф буюрган санъаткорлар шаҳар ва туман меҳнаткашларига ана шу ерда чиқишлар қилишмоқда.

Истироҳат боғини янада ободонлаштиришга айниқса, туман газлаштириш идораси, Қашқадарё мармар ва қум саралаш заводлари жамоалари ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётир.

Яқинда Маданият ва истироҳат боғлари ўртасида вилоят кўриги ўтказилганди. Унда ана шу дам олиш маскани ғолиб, деб топилди.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

НАЖОТ ФАРИШТАЛАРИ

Оппоқ халат кийиб бемор атрофида парвона бўлувчи, гоҳ ширин сўзи, гоҳ тезкор муолажалари билан дардларга малҳам қўювчи ҳамшираларни халқимиз нажот фаришталари деб эъзозлайдилар, қўлингиз дард кўрмасин, дея дуога қўл очадилар.

Наинки билими, иқтидори, ширин муомаласи, зукколиги билан беморлар қалбига йўл топиш улар юрагида умид, ишонч туйғуларини шакллантириш осон эмас. Бу касб соҳибаларига эҳтиром-ҳурматнинг ўзгачалиги ҳам аслида шундан. Ҳар йили «Ҳамшира — 2001» кўрик-танловларининг ўтказилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Куни кеча Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги маданият саройида Тошкент вилоят ўрта тиббиёт ходимларининг «Ҳамшира — 2001» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Хўжаева йиғинни очар экан, кўрик-танловнинг анъанага айланиб бораётганлиги ва унинг ҳамширалик ишидаги аҳамияти ҳақида сўзлади.

Танлов иштирокчилари беш шарт бўйича беллашдилар. Улар даставвал ўз касблари рамзий кўкрак нишонининг моҳиятини шеърий мисраларда таърифлашди, кўргазмали ва эпизодли чиқишлари билан томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи шартларда эса ҳамшира қизларнинг назарий-амалий ва сиёсий билимлари синаб кўрилди. Ва ниҳоят, охирги шарт ҳамшираларнинг эркин мавзу чиқишлари бўлди. Уларнинг ҳар бири сўзсиз айтиш мумкинки, санъатга ошуфта эканликларини намоён этдилар.

Қизғин баҳслардан сўнг ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати умумий балларни ҳисоблагунга қадар, таклиф этилган санъаткорлар ижросида қўшиқлар янгради.

«Ҳамшира — 2001» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари эълон қилинди. Бўка туманидан Дилобар Холбоева биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Чирчиқ шаҳридан Саодат Ғаюпова иккинчи, Янгийўл шаҳридан Наргиза Абдусаломова учинчи ўринни эгалладилар.

Кўрик-танлов ғолибларига Тошкент вилояти ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

«ЧЎЛПОННОМА»

Андижонлик ҳайкалтарош, меъмор, мусаввир, ганч ўймакорлиги усталари, каштачи чеварлар ижодида оташин шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг образи алоҳида ўрин эгаллайди. Улуғ адиб номига қўйилган маданият ва истироҳат боғидаги салобатли ҳайкал ижодкор уста Жалолиддин Миртожиев қўли билан бунёд этилган. Педагогика билим юртида қад кўтарган «Чўлпон — тонг юлдузи» ёдгорлиги, шоир музейидаги «Чўлпон портрети», «Чўлпон оиласи», «Чўлпон замондошлари», «Яралган шеърият» ранг-тасвир расмлари Нажмиддин Казиев, Баҳодир Расулов, Улуғбек Болтабоев сингари моҳир рассомлар мўйқаламига мансубдир.

Бу расмлар ўз композицияси, улуғ шоир образини аниқ-равшан ифодалаб бера олиши билан томошабинда завқ-шавқ ва ифтихор туйғусини уйғотади.

М.АБДУКАРИМОВ.

БУ ТУРФА ОЛАМ

Тунислик шифокорлар ҳар куни наҳорда бир қошиқ зайтун ёғи истеъмол қилиш юрак хасталигига яхши даво бўлади, деган фикрда. Кузатувлар шуни кўрсатдики, зайтун ёғидаги моддалар қонда холестерин миқдорини камайтириб, юрак билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олар экан.

* * *

Зеландиялик Эрик Бэйли-Балфор ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилаш учун имтиҳон топширганлар ичида энг кексаси бўлди. Яқинда 100 ёшни қаршилаганига қарамай, у назоратчиларга ҳали машина ҳайдашга курби етишини исбот қилди.

* * *

Венгрияда ҳуқуқ-тартибот органларига ишонч сусайиб бормоқда. Ўтказилган махсус сўровдан маълум бўлишича, аҳолининг бор-йўғи 12 фоизи полицияга ишонч билдирган.

* * *

Африка филлари қуруқликдаги энг баҳайбат жонивор ҳисобланади. Улар қутурса, оқибати жуда ёмон бўлади. Яқинда Кения шимолидаги Лайкипиа туманида қутурган филлар икки кишини эзғилаб ташлади. Ўтган ойда эса Эфиопия жанубида бир овчи филнинг ғазабига учраб, ҳалок бўлган эди.

(ЎзА).

Хотира уйғонса гўзалдир

ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда қадриятларни тиклаш, тарихни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимизни эъзозлаш, энг муҳими ўзлигимизни англаш борасида улуғ ишлар амалга ошириляпти. Ва, шубҳасиз, бу йўналишда ҳали катта ҳажмдаги ҳайрли тадбирларга қўл урилаверади.

... Отажон Худойшукуровнинг номи нафақат Хоразм воҳасида, балки бутун Марказий Осиёда машҳурдир. Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Татаристон халқ артисти, Ҳамза ва Бердақ мукофотлари совриндори бўлган санъаткор, мана 7 йилдирки, орамизда йўқ. Аммо севимли қўшиқчи бот-бот ёдга олиниб, турли-туман тадбирлар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Жумладан, бундан икки йил муқаддам халқ ҳофизи хотирасига бағишлаб, мумтоз қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилган эди. Анъана давом эттирилиб, шу йил 26-28 июл кунлари «Нафосат — бўстоним маним» номли фестивал ўтказишга пухта тайёргарликлар кўрилди.

Бу тадбирнинг бундан икки йил олдин ўтказилган кўрик-танловдан фарқи нимада? Бу саволга О.Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма раиси Фарҳод Ибодуллаев шундай жавоб берди:

— Аввалги тадбиримиз мумтоз қўшиқлар кўрик-танлови тарзида ўтган эди, - дейди Ф.Ибодуллаев. — Бу галги тадбир доираси кенгайиб, у ёшлар санъат фестивали мақомини олади, мумтоз санъатни кенг тарғиб қилиш, дўстликни мустаҳкамлаш, қадриятларни асраб-авайлашнинг ўзига хос байрамига айланади. Энг муҳими, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бундан ташқари тадбир доирасида халқ амалий санъати вакиллари, ёш рассомлар асарларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилади. Биз мамлакатимизнинг таниқли шоирлари иштирокида «Шеърият кечаси» ўтказишни режалаштирганмиз. Фестивалда бахшилар беллашади. Унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган санъаткорлар иштирок этади. Тадбирларнинг яна бир қизиқарли қисми, бу О.Худойшукуров иштирокидаги аудио ва видео касеталар кўриги десам муболаға бўлмас.

Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган бир жиҳат: фестивални ўтказиш учун жамғармамизга нафақат ташкилот, муассаса, корхоналар, балки кўпгина санъат ихлосмандлари ҳам моддий, маънавий жиҳатдан ёрдам бердилар.

... Фестивал эртаиндин Бўстон шаҳрида бошланади. Унга нафақат Хоразм воҳаси, мамлакатимизнинг кўпгина вилоятлари, балки қўшни давлатлардан ҳам иқтидорли ёшлар келиши кутилмоқда. Демак, мамлакатимиз мустақиллиги 10 йиллиги олдидан яна бир тантана — «Нафосат — бўстоним маним» фестивали бўлади. Унинг юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтишига, ҳар бир иштирокчига омадлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Истеъдод эгаси

Бундан тўрт йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Бадиий академия ёш истеъдодларни излаб топиш ва тарбиялаш, рассомларнинг самарали ижод этиши учун қулай шароит яратиш, миллий тасвирий ва амалий, миниатюра санъатининг ноёб анъаналарини бойитиш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбек миллий тасвирий санъатини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш яхши йўлга қўйилди. Айни пайтда бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам кам эмас.

Ўзбекистон Бадиий академияси бошқарув кенгаши ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмасининг қўшма йиғилишида шу ҳақда гап борди. Академия раҳбари Т.Қўзиев бошқарган мазкур тадбирда таниқли санъатшунослар ва рассомлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда юртимизда кечаётган ўзгаришларни тўлақонли акс эттириш ва юртдошларимиз онгига тасвирий асарлар орқали етказиш давр талаби эканини қайд этди. Зеро, мусаввирлар, айниқса, ёш ижодкорлар жамиятимизда рўй бераётган ислоҳотлар жараёни, бунёдкорлик ишларини, Ватан равнақи, юрт тинчлигини мустаҳкамлаш каби эзгу ғояларни ҳар томонлама теран акс эттирмоғи лозим.

Йиғилишда, шунингдек, тасвирий санъатнинг эстетик таъсир кучидан тўлиқ фойданилмаётганига ҳам эътибор қаратилди. Шу мақсадда Бадиий академия ҳузурида ёш истеъдодлар учун эстетик, бадиий ва тасвирий тарбия бўлимини ташкил этишга қарор қилинди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6